РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РУЗИКУЛОВ УКТАМ ШУКУРОВИЧ

БОЛАЛАРДА КЎКРАК ҚАФАСИНИНГ ГИРДОБСИМОН ДЕФОРМАЦИЯСИНИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.22 – Травматология ва ортопедия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

УЎК: 617.54-007.2-053.2-07-08

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рузикулов Уктам Шукурович
Болаларда кўкрак қафасининг гирдобсимон деформациясини ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш..... 3

Рузикулов Уктам Шукурович
Совершенствование диагностики и лечения воронкообразной деформации грудной клетки у детей…… 19

Ruzikulov Uktam Shukurovich
Improvement of diagnosis and treatment of funnel chaped chest deformity in children..... 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 41

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РУЗИКУЛОВ УКТАМ ШУКУРОВИЧ

БОЛАЛАРДА КЎКРАК ҚАФАСИНИНГ ГИРДОБСИМОН ДЕФОРМАЦИЯСИНИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.22 – Травматология ва ортопедия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Tib966 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.uzniito.uz), «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги веб-саҳифаларида (www.uza.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Ходжанов Искандар Юнусович** тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Уринбаев Пайзилла Уринбаевич** тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Каримов Муродилла Юлдашевич тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**Андижон давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «__06_» ___октябрь___ соат __15^{00}__даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100147, Тошкент шаҳри, Махтумқули кўчаси, 78 уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали – он-лайн).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_30_-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100147, Тошкент шаҳри, Махтумқули кўчаси, 78 уй. Тел.: (+99871) 233-10-30.

Диссертация автореферати 2020 йил «_16_ » __сентябрь___ куни тарқатилди.

(2020 йил «_16_» ___сентябрь_____ даги __30_ рақамли реестр баённомаси).

М.Э. Ирисметов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

У.М. Рустамова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари номзоди, катта илмий ходим

А.П.Алимов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Кўкрак қафасининг гирдобсимон деформацияси (КҚГД) кўкрак ички аъзоларга салбий таъсир қиладиган мураккаб патология ҳисобланиб, барча ҳолатларда жарроҳлик аралашувини талаб қилиши ва операциядан кейин кўп рецидивлар юзага келиши туфайли долзарб ҳисобланади. Chest Wall International Group (GWIG) халқаро ташкилоти маълумотларига кўра, кўкрак қафасининг гирдобсимон деформацияси «...болаларда 0,4-2,25% ни ва кўкрак қафасидаги туғма деформацияси орасида эса 90%ни ташкил қилади»[1]. Бу деформациянинг 100 дан ортиқ оператив усуллари ва модификациялари бўлишига қарамасдан, «...32% гача операциядан кейинги рецидивлар юзага келади»[2]. Ушбу ҳолат КҚГДни операциядан кейинги асоратларини олдини олиш бўйича замонавий ташхислаш ва комплекс даволаш чора-тадбирларни ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Жаҳонда КҚГДни ташхислаш ва комплекс даволашни такомиллаштириш борасида қатор изланишлар олиб борилмоқда, жумладан КҚГДнинг турли оғирлик даражасини торакометрик усулда аниқлаш, мультиспирал компьютер томография (МСКТ) орқали тўшнинг ҳолати ва деформациянинг ички аъзоларга таъсирига эътибор бериш орқали торакопластика жарроҳлик амалиётлари ишлаб чиқилмоқда. КҚГДнинг бир нечта жарроҳлик усуллари, шу жумладан D. Nuss операцияси таклиф қилинган. Унгача кўкрак қафасининг олд юзасини катта кесим орқали стернахондрорезекция қилиш, тўшни 180º га айлантириш ва тўш–қовурға комплексини (ТҚК) ташқи ёки ички фиксаторлар билан маҳкамлаш амалиётлари ишлаб чиқилган. D. Nuss КҚГД ларини нормал ҳолатгача тиклашда кичик тери кесими орқали тўш–қовурға бирлашмаларини кесмаган ҳолда, ички пластинка ёрдамида бажариладиган жарроҳлик амалиёти такомиллаштирилган. Кўкрак қафасига (КҚ) ичкаридан қўйилган фиксация 180º га айланиб кетиши каби асоратни олдини олиш ёки камайтириш мақсадида D.Nuss пластинкасини модификация қилиб, Т-симон пластинка ёрдамида ички фиксация амалиёти ишлаб чиқилган. Тўшнинг ўртасидан остеотомия ўтказиш йўли билан оғриқ синдромини камайтиришга, деформация соҳадаги қовурғани резекция қилиб, пластинани шуруплар билан мустаҳкамлашга эришилган. Бинобарин, КҚГД ни жарроҳлик даволаш усулларининг турли-туманлиги, оператив ёндашувининг фаол ривожланаётганлигига қарамасдан рецидивлар сони юқорилигича қолмоқда. Бу эса операциядан олдинги ва кейинги даврда бириктирувчи тўқима дисплазия (БТД) факторларига эътибор берилмаслиги, унинг биокимёвий таркибини баҳолаш критерийси ва гиалин тоғайнинг морфологик ҳолати аниқланмаганлиги ҳамда фиксаторларни олиб ташлаш учун аниқ кўрсатмалар йўқлиги ёки фиксаторларни олиб ташлаш муддатининг тўғри танланмаганлиги сабабли ва бириктирувчи тўқимани стимуляцияловчи

---

[1]Chest Wall International Group (CWIG). The organization of Chest Wall Diseases, website: http//www.chestwall.org.2018.

[2]Разумовский А.Ю., Алхасов, А.Б. Разин. М.П и др. Сравнительная характеристика эффективности различных способов оперативного лечения воронкообразной деформации грудной клетки у детей: мультицентровое исследование //Научно-практич. журнал «Ортопедия, травматология и восстановительная хирургия в детского возраста». 2018. Т.6. Вып.1. 5-13.

даволаш чора-тадбирлари ишлаб чиқиш каби муаммолар долзарблигича қолмоқда.

Мамлакатимизда КҚГД да бириктирувчи тўқима дисплазиясини ташхислаш ва комплекс даволаш ҳамда унга бўлган кўрсатмаларни клиник-радиологик ва лаборатория ташхиси асосида такомиллаштириш, операциядан кейинги рецидивларни камайтиришга қаратилган қатор вазифалар, жумладан «...аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифатини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш...»[3] белгиланган. Бу борада ташхислаш ва даволашда тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ҳамда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш КҚГД ни операциядан кейинги натижасидаги ногиронлик кўрсаткичларини камайтиришда катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг республика фан ва технологияни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий адабиётларнинг ишончли маълумотлари таҳлили шуни кўрсатдики, кўкрак қафасидаги деформацияларнинг асосий қисмини КҚГД ташкил этади (Ryszard T., 2017; Calista M et all., 2018; Hyung J.P., 2018; Гацуцын В.В., 2018.; Calista M et all., 2018; Hyung J.P., 2018). Унда ТҚК тоғайидаги ўзгаришлар ҳисобига бўлиб, унинг ҳолатини рентгенологик текширишлар орқали аниқлашнинг иложи йўқ. Операцияда бажарилган хондротомиядан кейинги битиш жараёнларини ультратовуш текшириш орқали аниқлаш мумкин (Малахов О.А., 2004). Лекин бу ҳам рецидивларнинг камайишига етарли бир омил бўлмайди. Чет эл адабиётларида морфологик таҳлил қилиш натижасида КҚГД ривожланишининг асосида етакчи ўринни тизимли дисхондрогензи эгаллаганлиги айтилади (Martin T.G., 2011; Stacey M.W et all., 2012; Elizabeth H., 2012; Francesca T., 2012). Айрим муаллифлар биокимёвий текширишлар натижасида қовурға тоғайидаги 2 тип коллаген структураси бузилиши ва коллаген синтезида рух, магний ва

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

кальцийларнинг миқдорий ўзгариши билан боғлиқлигини аниқлаган (Кулик И.А., 2013; Kosman V.M. et all., 2017). Фақат маълум бир илмий ишлардагина бола организмида антропометрик ўзгаришлар гормонал бузилишнинг оқибатида юзага келиши айтилган (P.Varela, 2007). Ҳозирги кунда D.Nuss усули бир қанча қулай ва физиологик усуллардан бири ҳисобланиб (Miguel L.T., 2011; Muhly W.T., 2014; Francesca T et all,. 2017; Разумовский А.Ю., 2018; Хакимов Ш.К., 2018; Calista M.H., 2018; Hyung J.P,. 2018), тўш-қовурға комплексидаги (ТҚК) деформация остидан махсус пластина ўтказиб тўғриланади. Бу усулни такомиллаштириш йўли билан хирургик коррекциянинг натижалари яхшиланмоқда.

Республикамизда КҚГД га бағишланган қатор илмий изланишлар олиб борилиб, тўш-қовурға комплексига ўрнатиладиган ташқи фиксаторни деформация формасига қараб коррекциялашни такомиллаштириш вариантини ишлаб чиқиш йўли билан натижаларни яхшилаш (Тилявов У.Ҳ., 2000), КҚГД ларида деформация чўққиси ханжарсимон ўсиқ соҳасига тўғри келади, шунинг учун тўш-диафрагма бойламини узайтириш орқали деформацияни коррекциялаш ва ташқи фиксаторни ишлаб чиқиш орқали ижобий натижага эришилган (Мирзакаримов Б.Х., 2008) ва охирги йилларда КҚГД ни хирургик даволашда беморнинг ёшига қараб, кўкрак қафаси эластиклик даражаси, компьютер томографияда тўшнинг ротация бурчаги ўзгаришини инобатга олган ҳолда хирургик даволаш усулини танлаш ва асоратларни олдини олиш мақсадида D.Nuss пластинасини модификация қилиш (Ҳакимов Ш.Қ., 2018) каби илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, текшириш ва даволаш натижаларига кўра операциядан кейинги рецидивлар 3,5-32% ни ташкил қилади (Savina A., 2011; Ho Chul Kim, 2013; Вердиев В.Г., 2013; Muhly W.T., 2014; Ryszard S.T., 2017; Хакимов Ш.К., 2017). Ушбу юқори фоиздаги рецидивлар асосан фиксаторларни олингандан кейин кузатилиши ва бириктирувчи тўқима биосинтезининг бузилиши ҳамда ёшига қараб, диспластик жараёнларига эътибор қаратилмаганлиги билан боғланади (Гажаева С.М., 2010; Dooley A et all., 2010; Elizabeth H. et all., 2012; Комолкин И.А., 2013). А.А.Вишневский (2011) D.Nuss усулини модификация қилиб никелид титан ясалган пласина +10 градусдан пасайса қулай эгилади, тана ҳароратида тўғриланиб деформацияни бартараф қилади. Айрим муаллифлар фикрича, номукаммал тоғай мустаҳкамланиши учун металлоконструкциянинг узоқ муддат туриши қовурғаларнинг иккиламчи деформациясига ва кўкрак қафасининг ривожланишининг бузилишига олиб келиши (Frank-Martin H., 2012; Бочкарев В.С., 2014; Calista M.H., 2018), бошқалари эса тоғай ва тўшни резекция қилишни таклиф қилади (Francesca T., 2013; Камолкин И.А., 2014; Королев П.А., 2015). Бу эса ўз навбатида беморлар учун бир қанча муаммолар келтириб чиқаради. Адабиётлар таҳлили кўрсатдики, КҚГД сида диспластик ҳолатнинг чуқурлик ва оғирлик даражаси ҳамда қовурға тоғай морфологиясини етарлича ўрганилмаганлиги, эрта ёшдаги беморларни даволаш усулининг йўқлиги, операциядан кейинги рецидивлар мавжудлиги, операциядан кейинги даврда ТҚК сидаги элементларнинг битиш вақти маълумотларининг йўқлиги, ҳар хил ёшда фиксаторларни олиш вақтининг тўлиқ

ечими топилмаганлигини эътиборга олган ҳолда ўрганилмаган муаммолар бу йўналишда илмий изланиш олиб боришга сабабчи бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 01980006703 - рақамли «Болаларда таянч - ҳаракат тизимидаги тўғма ва орттирилган деформацияларни, ҳамда найсимон суякларни жароҳатларини ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш» мавзуси доирасида (2005-2019 йй.) бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади болаларда кўкрак қафаси гирдобсимон деформациясини ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш йўли билан операциядан кейинги натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари.

болаларда КҚГД нинг ҳар хил оғирлик даражаларида бажарилган торакопластика амалиётининг ретроспектив натижаларини таҳлил қилиш;

болаларда КҚГД да бириктирувчи тўқима дисплазиясининг морфо-биокимёвий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда операциядан кейинги рецидивларнинг қиёсий таҳлилини олиб бориш;

болалардаги КҚГД да бириктирувчи тўқима дисплазиясининг оғирлик даражасини ишчи жадвал асосида баҳолаш ва комплекс медикаментоз даволашни ишлаб чиқиш;

болаларда КҚГД кўкрак қафасининг олдинги деворини хирургик фиксациялаш усулини ишлаб чиқиш;

болаларда КҚГД диспластик ҳолатларига қараб хирургик даволашнинг яқин ва узоқ вақтдаги натижаларини ўрганиш.

Тадқиқот объекти сифатида Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий амалий тиббиёт маркази клиникаларида 2005-2019 йилларда даволанган 150 нафар беморлар олинган.

Тадқиқот предмети сифатида рентгенологик тасвир материаллари, қондаги пролин, пешобдаги оксипролин ва глюкозамингликан, клиник ишчи жадвал, морфологик текшириш материаллари олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот клиник, инструментал, МСКТ, биокимёвий, морфологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кўкрак қафасининг олд деворида деформациянинг пайдо бўлиши ва операциядан кейинги рецидивнинг юзага келишида ўсувчи тоғай структурасида аминокислота-коллаген бирикмасининг бузилиши - қондаги пролин миқдорининг камайиши ва оксипролин ҳамда глюкозамингликаннинг пешобда кўпайиши билан боғлиқлиги исботланган;

кўкрак қафаси олд деворидаги ўсувчи тоғай структурасининг бузилиши – унда кечаётган морфологик ўзгаришлар, яъни тоғай структураси хўжайра популяциясидаги бетартиблик ва нотекис вакуолизацияси билан боғлиқлиги аниқланган;

эрта ёшдаги (4-7 ёш) беморларда кўкрак қафасида етарлича ретростернал

оралиқни таъминлаб бериш билан бирга операциядан кейинги рецидивларнинг камайишига имкон берувчи кўкрак қафасининг гирдобсимон деформациясини хирургик коррекциялаш усули ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган клиник маркерлар жадвали кўкрак қафаси гирдобсимон деформациясида бириктирувчи тўқима дисплазиянинг оғирлик даражасини аниқлаш имконини бериши ва беморларнинг ёши, дисплазия оғирлик даражасини мос равишда тузилган даволаш тактикаси биохимик параметрлар динамикасининг ижобий силжишига сабаб бўлиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

КҚГДда бириктирувчи тўқима дисплазиясини ташхислаш учун тандем масс спектрометрия (ТМС) ва хроматомасс спектрометрия (ХМС) усуллари ёрдамида биокимёвий маркерларнинг мезонлари тавсия этилган;

КҚГД бўйича оператив тактикани аниқлаш мақсадида консерватив даволанган ва даволанмаган болаларда қовурға тоғайларининг дисплазияга хос морфологик белгилари аниқланган;

4 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларда Богданов пластинаси ёрдамида КҚГДни тиклаш ва тўш-қовурға комплексини фиксациялаш жарроҳлик даволаш усули таклиф этилган;

КҚГД хирургиясида металл фиксаторларнинг кўкрак олд деворидан олиб ташлаш муддати бемор ёши ва дисплазия оғирлик даражасини инобатга олган ҳолда аниқланган;

КҚГД бўлган болаларда бириктирувчи тўқима дисплазияси холатида тўш-қовурға бирлашмасининг ўз вақтида тикланишига ва рецидивларни камайишига имкон берадиган медикаментоз даволаш стандарти тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий ишда қўлланилган клиник, инструментал, биокимёвий, морфологик текширув усуллари, текширилган беморлар сони ва материалларнинг етарлилиги ва статистик маълумотларни қайта ишлаш натижалари асосида тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация тадқиқоти натижаларининг илмий аҳамияти КҚГДни даволашнинг такомиллаштирилган операция усулининг ишлаб чиқилиши; қондаги пролиннинг камайиши ва пешобдаги оксипролин, глюкозамингликан миқдорининг ошиши каби биокимёвий маркерларнинг бириктирувчи тўқима дисплазияси оғирлик даражаси кўрсаткичлари эканлиги хамда операция вақтида олинган макропрепаратларни микроскропик текшириш натижасида аниқланган морфологик ўзгаришлар бириктирувчи тўқима дисплазияси билан боғлиқлигининг исботланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти КҚГДни даволаш тактикасини танлаб берувчи алгоритм ва илмий асосланган консерватив даволаш тактикасининг ишлаб чиқилганлиги, унинг амалиётга жорий этилиши натижасида болаларда постоперацион асоратлар сонининг камайишига сабаб бўлганлиги ва биокимёвий, морфологик асосланган критерийлар КҚГДни даволаш самарадорлигини ошириш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. КҚГД сининг ташхислаш ва комплекс даволашни оптималлаштириш йўли билан операциядан кейинги

натижаларни яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Болаларда кўкрак қафасининг гирдобсимон деформациясини ташхислаш-даволаш алгоритми» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 19 ноябрдаги №8н-р/504-сонли маълумотномаси). Олинган натижалар кўкрак қафаси гирдобсимон деформациясини операциядан олдин ва кейин комплекс даволаш олиб бориш билан рецидивларни камайтириш имконини берган;

«Болаларда кўкрак қафаси гирдобсимон деформациясининг операциядан кейинги рецидивларини олдини олиш алгоритми» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 19 ноябрдаги №8н-р/505-сонли маълумотномаси). Олинган натижалар ушбу патологиядаги дисплазия даражасини аниқлашда замонавий текшириш ва даволаш усулларини олиб бориш билан натижаларни яхшилаш имконини берган;

«Кўкрак қафасининг гирдобсимон деформациясини даволаш усули» ихтирога патент тасдиқланган (давлат патент идораси ихтирога патенти № IAP 04289, 28.01.2011). Олинган натижалар кўкрак қафасининг нормал шаклини таъминлашга имкон берган;

кўкрак қафасининг гирдобсимон деформацияси тадқиқотининг илмий натижалари ва уларни даволаш услубларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилиш, жумладан, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасининг травматология ва ортопедия бўлимида, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий амалий тиббиёт марказида, Сирдарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, Навоий вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг клиник амалиётига жорий этилиши натижаларининг 98,4%гача самарадорликка эришилиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари 6 та илмий-амалий анжуманлар, жумладан 3 таси халқаро ва 3 таси республика анжуманларида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 34 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 7 таси республика, 3 ҳорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, 5та боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва мавзуси тавсифланади ҳамда тадқиқотнинг республика фан ва технологиясини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий йўналиши ва амалий натижалари баён қилинган ҳамда аҳамияти аниқланган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, амалиётга жорий қилиш рўйхати,

ишнинг апробация натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кўкрак қафасининг гирдобсимон деформациясини ташхислаш ва даволашда замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида ушбу тиббий муаммоннинг назарий жиҳатлари бўйича замонавий халқаро илмий тадқиқотларнинг батафсил таҳлили ўтказилиб, болаларда ККГД ни ташхислаш ва даволашнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича изланишлар тизимлаштирилган, ечилмаган ва айрим аниқлаштирилиши талаб этиладиган муаммолар таҳлил этилган.

Диссертациянинг **«Клиник материал тавсифи ва текшириш усуллари»** деб номланган иккинчи бобда ўтказилган тадқиқотда текширув материаллари, объектлари ва усуллари қисқача тавсифи ёритилган. Ушбу тадқиқот 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган 150 нафар болаларни текшириш ва даволаш натижаларига асосланган. Беморлар Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Болалар травматология ва ортопедия бўлимида ва Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий амалий тиббиёт марказининг Болалар травматотологияси, кўкрак қафаси деформацияси ва умуртқа поғоналари патологияси бўлимида 2005-2019 йилларда даволанган.

Умумий текширилган беморларнинг 66% ўғил ва 34% қиз болаларни ташкил қилади. Улардаги модда алмашинувининг бузилиши, айниқса, бириктирувчи тўқималардаги ўзгаришлар ўғил болаларда кўпроқ учрагани аниқланди. Беморларнинг ўртача ёши 14,3±4,1 га тенг. Педиатрик ёндашув (M. J. Glesby., 1989) - болаларнинг ёши ва жинсига (4-7 ёш; 8-11 ёш; 12-18 ёш) қараб 3 гуруҳга бўлинган. Беморларни икки гурухга назорат 86 (57,3%) ва асосий 64 (52,7%) гурухга бўлиб ўрганилди. Асосий гуруҳ медикаментоз даволанган 39 (60,9%) ва даволанмаган 25 (39,1%) беморларга ажратилди.

Кузатувдаги 63 нафари (42%) 4-7 ёшдаги болаларни ташкил қилди. Улардан 37 нафарида ўғил болалар - (24,7%), қизлар эса – 26 (17,3%) тасида учради. 8-11 ёшли беморларда эса бу деформация 44 ҳолатда (29,3%) ўғил болаларда, қизларда эса 17 ҳолатда яъни 18,0% ни ташкил қилди. 12-18 ёшдаги болалар умумий соннинг 43 (28,7%) таси, мос равишда ўғил болалар 35 ҳолатда (23,3%), қизлар эса 8 (5,4%) нафардан иборат. БТД кўкрак қафасининг гирдобсимон деформацияси кўринишида 4-11 ёш оралиғида кўп учраши аниқланди. Барча беморлар режали равишда мурожаат қилганлиги сабабли тайёр инструментал ва лаборатор текширишлар асосида ККГД ва БТД даражаси (Кадурина Т.И., Абакумова Л.Н., 2014) аниқланган ҳолда шифохонага ётқизилган.

Гуруҳлар жарроҳлик аралашув усуллари бўйича: I- гуруҳ (52) ККГД ни Г.А. Баиров усулида; II-чи (34) гуруҳ - ККГД-ни реконструктив стернохондропластика усулида; III-гуруҳ (64) - D.Nuss усулида амалга оширилган. Ҳар бирининг мақсади, сифати ва самарадорлиги ўрганилди.

Тадқиқотда алоҳида-алоҳида таҳлиллардан ташқари, кўкрак қафаси рентгенографияси, унинг деформация даражаси (Гижицк индексига) ва кўкрак ички аъзоларнинг ҳолати ЭКГ да юракдаги функционал ўзгаришларни, экокардиографияда эса юрак ҳолати ўрганилди. Ультратовуш текширишлар билан кўкрак қафаси тоғай кўриниши ва допплерографияда тўш-қовурға

комплексидаги қон томирлар фаолиятининг тикланиши аниқланди. Махсус тадқиқот 64 нафар беморларда бажарилди (қондаги пролин, пешобдаги оксипролин ва глюкозамингликан). 36 нафар беморларда операция вақтида олинган биопсия материалларини морфологик текшириш ўтказилди. III-гуруҳдаги 64 бемордан 39 нафарига профилактик комплекс даволаш (аскорбин кислота, калмазин, хондриотин сульфат, элькар) буюрилган бўлса, 25 нафар беморларда фақат жарроҳлик муолажаси бажарилган.

Диссертациянинг «**Кўкрак қафаси функционал бузилишлари бўлган болаларнинг клиник ва функционал хусусиятлари»** деб номланган учинчи бобида операциядан олдинги ва кейинги даврларда ҳам кузатиладиган клиник симптомлар хусусиятлари муҳокама қилинади.

I гуруҳда Г.А.Баиров усули билан 2005-2008 йилларда операция қилинган II-III даражали КҚГД билан оператив даволанган 52 (34,7%) нафар беморларнинг таҳлилига асосланган. Беморларниг умумий сонидан (52) 30 (57,7%) нафар ўғил бола, 22 (42,3%) та қиз, II даражада 12 (23,1%) та, III даражали деформация 40 (76,9%) нафар беморларда ташхис қўйилган. Кўкрак қафаси олд девори билан париетал плевранинг чандиқланиши ҳисобига 15 (60%) ҳолатда операция давомида пневмоторакс кузатилган. Пневматораксни бартараф қилиш учун пассив аспирация ўтказилган. Ушбу беморлардан 28 (47,5%) нафарида шина остида яралар, 20 (33,9%) нафарида битта ва 11 (18,6%) тасида иккита ипнинг узилиши кузатилган. Жарроҳлик даволаш самарадорлигини таҳлил қилинганда 7 тасида рецидив кўзатилган бўлиб, 1 ойдан сўнг 5 таси қисман ва 2 таси тўлиқ қайталаниш кузатилган. 1,5 ойдан сўнг 12 та рецидив бўлиб, 8 таси қисман, 4 таси тўлиқ рецидиви бўлган. 2 ойдан сўнг эса 2 та рецидив 1 ҳолатда қисман рецидив юзага келган. Операциядан кейин пайдо бўлган рецидивлар стернохондропластика ва D.Nuss операцияси билан коррекция қилинган.

II гуруҳга кирадиган 34 нафар беморларда муаллифлик ҳуқуқи бўлган Багданов пластинаси билан фиксациялаш оператив усули бажарилди (муллифлик ихтироси IAP 04289). Беморлар ёши бўйича қуйидагича тақсимланди: 4-7 ёшдан бошлаб 19 (55,9%) бемор, 8-11 ёшда - 12 (35,3%) болалар, 12-18 ёшда - 3 (8,8%) нафар беморлар ташкил қилди. II гуруҳдаги II даражали деформация 13 (38,2%) нафарда, III даражалиси эса - 21 (61,8%) беморларда кузатилди.

Операциядан кейинги рецидивларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, пластиналар олингандан кейин 4 нафар беморда тўлиқ ва қисман рецидивлар пайдо бўлганлиги аниқланди. Рецидивларнинг умумий сонидан 2 таси 1 йилдан кейин юзаган келган, улардан биттаси тўлиқ ва 1 таси қисман; 1,5 йилдан кейин - фақат 1 беморда қисман; 2 йилдан кейин – 1 нафар беморда қисман рецидивлар пайдо бўлган. Тўлиқ рецидивни кейинчалик Д. Насс усулида операция қилинди.

Кузатувимиздаги (III гуруҳ) II ва III даражали КҚГД бўлган 64 (42,7%) таси 2009 йилдан ҳозирги кунгача операция қилинган беморлар ҳисобланади. Уларнинг 49 (76,5%) нафари ўғил ва 15 (23,5%) таси қизларни ташкил қилади. Ёш бўйича касаллар қуйидагича тақсимланди: 4 ёшдан 7 ёшгача - 12

(18,8%) та, 8-11 ёшда - 21 (32,8%) та, 12-18 ёшда - 31 (48,4%)тадан иборат. КҚГД деформациясининг II даражаси 42 (65,6%) нафарида ва 22 (34,4%) тасида III даражали бўлган беморларни ташкил қилади.

Операция вақтида 64 нафар беморларнинг 9 (14%) тасида асоратлар аниқланди ва беморларнинг умумий сонида (150) 6% ни ташкил этади. D.Nuss усулининг энг кўп учрайдиган асоратлари пневмоторакс (12%) бўлиб, КҚГД III-даражали оғирликдаги беморларнинг 8 нафарида кузатилди.

Кузатувимиздаги беморлардан 127 нафарида фиксаторлар олинган. Фиксацияловчи қўрилма олингандан кейин кузатилган 32 та рецидивдан (1,1±0,3 йил) 8 тасида тўлиқ ва 20 нафарида қисман рецидивлар кузатилди.

III гуруҳдаги КҚГД III даражали 4-7 ёшли беморларнинг қонидаги пролин миқдорини 1 йил давомида даволангандан кейин текширилганда (операциядан олдинги даврда) 15,91% пастлиги кўзатилган бўлса, 8-11 ёшли беморларда - 42,96% (нормал кўрсатгичга нисбатан) пастлиги аниқланди. Ўз навбатида, қиз болаларда бу кўрсаткич 18,28% га, 8-11 ёшда - 44,5% га, 12-18 ёшлилар гуруҳида эса ўртача ёш кўрсаткичларига нисбатан 12,53% га кам бўлган натижа олинди.

Операциядан олдинги даврда профилактика чоралари кўрилмаган КҚГД III даражали беморлар алоҳида эътиборга лойиқдир. КҚГД II-даражаси бўлган 4-7 ёшдаги ўғил болаларда қонда пролин миқдори 18,49 фоизга, 8-11 ёшда - 43,04 фоизга, 12-18 ёшида – 7,08% камлиги аниқланган бўлса, 12-18 ёшдаги қизлар учун пасайиш атиги 5.69% ни ташкил этди. 4-7 ёш ўғил болалар гуруҳида 53,46 фоизга, 8-11 ёшли беморларда 21,35 фоизга, 12-18 ёшли болалар гуруҳида ўртача кўрсаткич кўплиги аниқланди. Ўз навбатида, 4-7 ёшдаги III даражали КҚГД қизлар учун бу кўрсаткич 15,2 фоизга, 8-11 ёшда - 16,37 фоизга, 12-18 ёшда - 0,51 фоизга ўртача даражадан ошгани аниқланди. КҚГД III даражали 4-7 ёшдаги қизларда шунга ўхшаш гуруҳдаги ўзгаришлар даражаси 16,67%, 8-11 ёшда - 44,5%, 12-18 ёшли болаларда - 12,53 % га ошган.

Шундай қилиб, кўкрак қафасида гирдобсимон деформация шаклланишининг клиник кўрсаткичларига қўшимча равишда қондаги пролин даражаси билан аниқланадиган БТД нинг оғирлиги маълум бир қийматга эга эканлигини таъкидлаш мумкин. Бундай муҳим жарроҳлик аралашувга тайёргарлик кўришда ушбу жиҳатни ҳисобга олиш керак.

Тадқиқотнинг операциядан кейинги даврда КҚГД бўлган III-гуруҳдаги беморларда БТД даги таркибий ўзгаришларини аниқлаш учун пешобда оксиполиннинг (ОП) ажралиб чиқиш даражасини ўрганилди. 4-7 ёшли КҚГД бўлган II даражали болалар гуруҳида БТД ни профилактик даволашни ҳисобга олсак, ўғил болаларда оксиполин сийдик миқдорини 4,54% га, 12-18 ёшли болалар гуруҳида эса - 35% пасайишини айтиш мумкин. 4-7 ёшдаги III даража КҚГД бўлган ўғил болаларда ажралиб чиққан оксиполин миқдори 12,18 фоизга, 8-11 ёшда 13,62 фоизга кўп.

III даражали КҚГД бўлган беморларда БТД профилактик даволанмаган сийдик индексининг тебранишида сезиларли ўзгаришлар рўй беради. Шундай қилиб, ўғил болаларда 4-7 ёш гуруҳида ўсиш 53,46 фоизга, 8-11 ёшли болаларда эса 21,35 фоизга, 12-18 ёшли болалар гуруҳида ўртача

кўрсаткичдан кўплиги аниқланди. КҚГД нинг III даражали қизлари орасида 4-7 ёшда бу кўрсаткич 15,2 фоизга, 8-11 ёшда 16,37 фоизга, 12-15 ёшда - 0,51 фоизга баландлиги аниқланди.

БТД ташхисида пешобда ГАГ нинг миқдорини аниқланиш аниқ бир ўринни эгаллайди. КҚГД II даражали 4-7 ёшли ўғил болаларда БТД ни даволашдан сўнг 17,05% га камайганлиги аниқланди. КҚГД III профилактик даволанишдан сўнг, 4-7 ёшли болаларда пешобдаги ГАГ даражаси 44,1% га, 8-11 ёшли болалар гуруҳида - 31,8% га ошди. Ўз навбатида, 4-7 ёшдаги қизларда ГАГ сийдик билан ажралиши 64,4% га, 8-11 ёш гуруҳида - 32,6% га, 12-18 ёшдаги гуруҳларда эса ўртача даражада сақланиб қолди.

4-7 ёшли III даражали КҚГД даражаси бўлган ўғил болаларда сийдикда ГАГ нинг миқдордаги тебранишларини ҳисобга олганда, бу кўрсаткич 44,1% га, 8-11 ёшда 31,8% га ўсганлиги қайд этилди. Қизлар учун бу кўрсаткич 4-7 ёшда 64,4% га, 8-11 ёшда 32,6% га, 12-18 ёшда ўртача статистика даражасида ўзгариб турди. КҚГД нинг III даражаси бўлган беморларни даволанмаган ҳолатда пешобидаги ГАГ 4-7 ёшли ўғил болаларда кўрсатгич 64,7% га, 8-11 ёшда 61,2% га ўсганлиги, қизларда эса 4-7 ёшда сийдикда ГАГ ва 12-18 ёшда - ўсиш 2,17% ташкил қилди.

КҚГД III даражали деформация бўлган беморларда операциядан олдинги даврда пешобдаги ГАГ ҳолати жарроҳлик даволанишга тайёрлик кўрсаткичидир. 4-7 ёшдаги ўғил болаларда 82,4%, 8-11 ёшда 59,18% гача ошгани аниқланди. Шу билан бирга, юқорида айтиб ўтилган гуруҳдаги қизларда 4-7 ёшда ГАГ 40 фоизга, 8-11 ёшда эса ўртача кўрсаткичдан 43,5 фоизга кўплиги аниқланди. Кенг қамровли профилактик даволаниш самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, операциядан кейинги даврда 38 нафар болада бириктирувчи тўқима (БТ) синтезини яхшилашнинг керакли натижалари қайд этилган. Қонда пролин миқдори ўғил болаларда ўртача 67% ва қизларда 72% га ошди. Пластинани олиб ташлашдан олдин профилактика даволашнинг шунга ўхшаш ижобий натижасига эришилди, бу эса пластинани олиш ташлашга кўрсатма бўлади. 25 нафар беморларда олинган лаборатория таҳлили пролиннинг миқдори даволанганларга нисбатан фарқ қилади. Медикаментоз даволанмаган ушбу гуруҳида рецидивларнинг пайдо бўлиши учун хавф омилидир.

Операциядан кейинги даврда рецидив бўлмаслиги учун профилактик усуллар тўлиқ ҳажмда амалга оширилди. 6 ойдан сўнг қондаги пролин миқдори сезиларли ошганлиги (ўртача 28,21%), пешобда ОП ва ГАГ даражаси пасайган (мос равишда 32% ва 46%) аниқланди. D.Nuss пластинасини қон ва пешобдаги бириктирувчи тўқиманинг маркерлари нормага етгандан сўнг олиб ташланди.

Шундай қилиб, КҚГД бўлган беморларда БТД ни профилактик даволаниш бириктирувчи тўқиманинг синтетик жараёнларини тиклашга нисбатан юқори ижобий характерга эга эканлигини таъкидлаш мумкин.

«**Кўкрак қафаси гирдобсимон деформацияси бўлган беморларда морфологик тадқиқотлар»** деб номланган тўртинчи бобда гистологик текширишлар беморларнинг II ва III гуруҳидаги КҚГД ни коррекция қилиш бўйича операциялар вақтида ТҚК даги тоғай ва атрофдаги тўқималарни резекция қилинганида олинган биопсия материаллари бўйича олиб борилди.

36 та беморларда (4-18 ёшда) КҚГД ни жарроҳлик вақтида II-гуруҳдаги 20 (13,3%) та беморлардан биопсия олинди, улар орасида 12 (8%) нафарида профилактик даво олиб борилмаган бўлса, БТД ни коррекцияловчи даволаш муолажаси 8 (5,3%) нафарида ўтказилган. III гуруҳдаги (Д.Насс операция) 16 нафар бемордан 10 (6,6%) нафарида БТД ни профилактик даволанган бўлса, 6 (4%) нафар болаларда бу даво олиб борилмаган.

БТД ни профилактик даво олмаган беморларда ТҚК даги тоғайни ярим юпқа кесиб ёруғлик-оптик текширилганда юзаки қисмида деструктив ўзгаришлар: алоҳида ҳужайраларнинг нобуд бўлиши, ҳужайраларарo модданинг бир хиллиги бузилиши ва толаларнинг ўчоқли кўпайиши аниқланди.

Бириктирувчи тўқималарнинг трофикасини яхшилашга қаратилган операциядан олдинги даврдаги консерватив даво олган беморларда II гуруҳда - 8 (5,3%) ва III гуруҳда - 10 (6,6%) нафар беморлардан олинган биопсия метериалларида ижобий ўзгаришлар аниқланди. Тоғай тўқимасида хужайралар сонининг ортганлиги, тоғай усти пардасида кичик колибрдаги кўплаб қон томирларниг пайдо бўлганлиги аниқланди. Бу эса бириктирувчи тўқималарнинг ремодуляцисини яхшилаш мақсадида ўтказилган даволаш тадбирлари натижасининг ижобийлигини билдиради.

Шундай қилиб, операциядан олдинги даврда режалаштирилган консерватив терапия олган беморларда тоғай ва мушак тўқималаридаги бириктирувчи тўқима тикланиши маълум бир компенсация қилувчи омил ҳисобланади. Бириктирувчи тўқима дисплазиясини стимуляция қилувчи медикаментоз давони эрта бошлаш катта аҳамиятга эга. Айнан шу омил КҚГД ни тиклаш операциясининг натижасини яхшилашда аҳамияти катта.

«**Болалардаги кўкрак қафаси деформацияларини диагностикаси ва даволаш натижаларини таҳлил қилиш**» деб номланган бешинчи бобда КҚГД операциядан кейинги натижалари тақдим этилган. Жарроҳлик усулда даволанган 150 нафар беморларнинг 41 (27,3%) нафарида операция даврда айрим асоратлар кузатилган. Г.А. Баиров усули қўлланилганда интероперацион асоратларнинг энг кўп миқдори қайд этилган (16,7%), шундан пневмоторакс - 10,0% да, операцион ярадан қон кетиши - 4,7%; гемопенвмоторакс - 2,0% беморларда кузатилган. Шубҳасиз, ушбу усул жуда инвазив ва жароҳатлидир.

Богданов пластинаси ёрдамида КҚГД ни жарроҳлик йўли билан даволаш пайтида 4,7% асоратлар аниқланди: 2,7% - пневмоторакс; 1,3% - гемопневмоторакс; фақат битта ҳолатда (0,7%) яралардан қон кетиш кузатилди. Ушбу усулда стернотомия ва хондротомия қилишни ҳамда деформацияни бартараф қилингандан сўнг стабилизация учун олдинги қовурғалар ва тўш орқали пластинани қарама-қарши ўтказиш талаб қилади. Бу усул эрта ёшли болаларда (4-7 ёш) ижобий натижага эришилгани тадқиқотлар вақтида аниқланди.

D.Nuss операцияси кам инвазив бўлишига қарамай, тўшнинг орқасидан распатор билан туннел ҳосил қилиш вақтида ва ундан кейин пластина ўтказилаётганда айрим асоратлар юзага келиши мумкин. Д.Насс (64) жарроҳлик пайтида 6% (умумий сони 150) асоратлар, шундан 5,3% пневмоторакс ва 0,7% гемопневмоторакс кузатилди. D.Nuss пластиналарини олиб ташлаш таҳлили 64 бемордан 41 нафарида (64,1%) таҳлил қилинди. 1-2

йил олдин операция қилинган 23 (35,9%) нафар беморларда пластиналарни олиб ташлаш аввалги беморларга қараганда биохимик маркерлар нормадан паст бўлганлиги учун бироз кечиктирилган ва улар даво олмоқда.

